12 МАЙ 1992


# Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 88 (21. 207) 1992 йил 5 май, сешанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.


## «Ўзбекистон овози» мухбирлар пости Мингбулоқдан хабар қилади

**Ўзбекистон Президенти И. Каримов Намангандаги Мингбулоқ нефть қудуғи жиловкорларини табриклади.**

Кутилган дақиқалар етиб келди. Қўрилган чоралар туфайли 2 май куни аланга пасая бошлади. Кейинги бир кеча-кундуз давомида вақти-вақти билан қудуқдан нефть отилиб турди. 3 май куни эса «Ўзбекнефть» бирлашмаси мутахассислари қудуқ оғзини мустаҳкамлаб ёпишга муваффақ бўлдилар.

Мингбулоқ нефти қудуқдан отилиб чиққан кундан буён ўтган 61 кун ичида ҳажми жиҳатидан икки-уч йилда бажариладиган ишлар амалга оширилди. Нефть қудуғини жиловлашга сафарбар этилган юзлаб ишчи-мутахассислар қаҳрамонлик, жасорат намуналарини кўрсатдилар. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси азаматлари тунни тонгга улаб ишладилар. Қилинган фидокор меҳнат ўз самарасини берди. Мингбулоқ нефть қудуғи жиловланди.

Фавворани жиловлашда Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг ҳарбийлашган ўт ўчирувчилари, «Ўзбекнефть» ҳарбийлашган отрядининг Д. Шамсиддинов бошлиқ бўлинмаси, «Ўзбекгазпром» ҳарбийлашган қисми, «Ростнефтгаз» корпорациясининг Грознийдаги қисми мутахассислари елкама-елка туриб фидойи меҳнат қилдилар.

Нефтчиларнинг аҳиллиги, уюшқоқлиги туфайли кўзланган мақсадга эришилди. Фавворани жиловлашда ўт ўчирувчилар алоҳида намуна кўрсатдилар. Турли вилоятлар ўт ўчириш командалари фаввора атрофини муҳофаза этиш, бу жойдаги техника воситаларини сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатдилар. Азаматлар олов билан юзма-юз туриб, нефть минораси остидаги асбоб-анжомларни ташиб чиқаришди. Шу тариқа нефть қудуғини бекитишга имкон яратилди.

— Дастлабки кунданоқ шу ердамиз, — дейди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги қошидаги ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи полковник А. Ёқубов. — Ёнғин олдини олиш учун барча чоралар кўрилди. Фаввора атрофидаги нефть ҳовузчаларига ўт кетмаслиги учун ҳамма имкониятлар ишга солинди. Лекин кучли шамол ёниб улгуримаган нефть томчилари ва коксни бир-икки километргача учириб кетди. Шу туфайли атрофдаги ҳовузчаларни сақлаш имкони бўлмади. Ўша пайтда осмонда юлдузлар учиб юргандай туюлди. Чунки кокс шамол қаёққа эсса ўша томонга қараб учаверди. Одамларнинг ҳаётини сақлаш чораларини кўрдик. 20 та ўт ўчириш машинаси, 180 ўт ўчирувчи тиним билмади.

Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати — Мингбулоқдаги штаб раиси муовини Акбар Раҳимов бундай деди:

## ФАВВОРА ИНСОН ИЗМИДА

● ОЛТМИШ БИРИНЧИ КУНГИ МЕҲНАТ НАШИДАСИ
● МАҚСАДГА ЭРИШТИРГАН УЮШҚОҚЛИК
● ҲЕЧ КИМГА ЗИЁН ЕТМАДИ
● АҚШ МУТАХАССИСЛАРИГА ЭҲТИЕЖ ҚОЛМАДИ
● «ҚОРА ОЛТИН» ҚУВУРЛАР ОРҚАЛИ ОҚТОШГА ҲАЙДАЛАДИ

— Нефть фаввораси 2 март куни отилиб чиққан бўлса, 2 апрелга қадар фаввора атрофидаги асбоб-ускуналар, техникалар олиб чиқиб кетилди. Фаввора атрофидаги асбоб-ускуналарнинг 60 фоизи омон сақланиб, жойларга бешикаст етказилди. Фақат фавворани ёндирмасдан олиб бўлмайдиган асбоб-ускуналаргина қолди, холос.

Ўша пайтларда шу ишларни бажармай туриб, отилиб чиқаётган нефтни ёндириш мумкин эмас эди. Одамлар белигача нефть ичида юриб ишладилар. Ўшанда ёнғин чиқиб кетиши ўта хавфли эди. Нефтни ёқишга пухта тайёргарлик кўрдик. Фаввора атрофида 300 метр масофагача тупроқ тўшалди. Қудуқ сунъий ҳовузчалардан ажратилди. Нефть минорасини йиқитиш жараёнида учқун чиқиб, нефть ёна бошлади. Бу, мўлжалдаги иш эди. Шу боис ишлар режадагидек давом этди. Энг муҳими, одамлар хавфсизлигини таъминлашга эришдик.

Қувончлиси, шу кунга қадар бирор киши жиддий шикаст кўргани йўқ. Тўғри, битта бульдозер олов ичида қолиб ёниб кетди. Лекин унинг ҳайдовчисига зарар етмади. Фаввора ёна бошлагандан кейин ҳам унинг атрофидан 200 тоннадан зиёд металл ва конструкциялар олиб чиқиб кетилди. Тупроқдан тозалаш ишлари амалга оширилди. Ниҳоят, қудуқ оғзи очилиб, қуйиб бўлган привенторқопқоқ танк ёрдамида отиб олиб ташланди.

— Америкадан келган мутахассислар қандай роль ўйнадилар? — сўраймиз А. Раҳимовдан.

— Америкалик мутахассислар учун навбат етиб келгани йўқ. Улар асбоб-ускуналарини тайёрлаб ишга киришишга ҳозирлик кўришаётган эди. Лекин биз, ўзимиз нефтни жиловлашнинг уддасидан чиқдик. Яъни уларга эҳтиёж қолмади.

Ҳа, фаввора Ўзбекистон нефтчилари кучи ва маҳорати билан жиловланди. Қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 15 километрлик нефть қувури тахт қилиб қўйилди. Оқтошда нефтни қабул қилиш ва истеъмолчиларга жўнатиш маркази бунёд этилди.

Мингбулоқда катта иш бажарилгани — фаввора жиловлангани муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нефтчиларни қутлади.

Баъзи тайёргарлик ишлари кўрилгач, Мингбулоқ нефти Оқтош эстакадаси томон қувурлар орқали ҳайдала бошлайди.

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**А. МАДАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ-КОНЦЕРНИ— «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг нефть ва газ конларини ҳар томонлама ва самарали ўзлаштириш, республика халқ хўжалиги ва аҳолисини газ, газ конденсати, нефть ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ саноатини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. «Средазгазпром», «Ўзбекнефть», «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Средазнефтегазстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Нефть ва газ саноати давлат концерни — «Ўзбекнефтгаз»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекнефтгаз» давлат концерни фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республика ҳудудида нефть, газ ва газ конденсатини излаш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташишни, газ, нефть ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати иншоотлари қурилишини амалга оширувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

нефть ва газ конларидан самарали фойдаланишни, республикада нефть, газ ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати янада ривожланишини, нефть ва газ заҳиралари кўпайишини таъминлаш;

концерн тизимида ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, корхоналарни кенгайтиришда, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантиришда, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда кўмаклашиш;

нефть, газ ҳамда газ конденсатини излаш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва ташиш соҳасидаги илмий-тадқиқот, кидирув ва лойиҳа-конструкторлик ишларини ташкил қилиш;

нефть ва газ конларини излаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги ишларни ўтказиш чоғида ер ости ва бошқа табиий бойликларни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш;

моддий-техника ресурслари билан таъминлашда, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда нефть, газ ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналари ва ташкилотларининг тижорат алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

концерн таркибига кирган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни малакали ходимлар билан мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш;

очиқ газ ва нефть фавворалари юзага келишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

концерн таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви идораларида ва чет элларда уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Нефть ва газ саноати давлат концернининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Ш. Қ. ГАТАУЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ БОШ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Шамил Қодирович Гатаулин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 май.

## МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

**● Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигидаги республика ҳукумати, бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари Биринчи Май куни Жиззах вилояти хўжаликларида бўлишди.**

ПРЕЗИДЕНТ И. Каримов Мирзачўл ва Дўстлик районлари деҳқонлари, чорвадорлари билан суҳбатлашди. Табиат инжиқликлари оқибатида юзага келган вазиятдан чиқиш борасида тажрибали деҳқонлар, тадбиркор раҳбарларнинг фикри билан қизиқди. Шундан сўнг И. Каримов ўз меҳнат муваффақиятлари билан нафақат вилоятда, балки жумҳуриятда ном чиқарган Пахтакор районидаги Кичанов номли давлат хўжалиги ҳудудида бўлиб, баҳорги юмушларнинг қай даражада ташкил этилганлиги, илғор пахтакорлар амалий ишларининг бошқа жамоаларда қандай жорий этилаётганлиги билан танишди.

Яқинда Жиззах чўлида машҳур «Ипак йўли» номи билан очилган чойхона кўпчиликнинг тилига тушгани бежиз эмас. Фарғона водийси ҳамда Самарқанд усталари ҳамкорликда миллий безак берган ушбу маскан бугунги кунда Жиззах ва Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг ҳақиқий оромгоҳига айланди. Президент ва унга ҳамроҳлик қилувчилар ҳам ана шу чойхонани бориб кўришди. Кўриқ Зарбдор районининг бир қатор хўжаликларида бўлишиб, механизаторлар, мутахассислар амалга ошираётган ишларни таҳлил этдилар.

Шу куни Жиззах чўлининг рамзий маркази — Бўстон шаҳрида шаҳар ва район ҳокимлари, вилоятдаги барча қишлоқ хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Турсунов очди. Сўзга чиққан Фориш районининг ҳокими Э. Қозоқов, Арнасой ҳокими Б. Ҳолиқулов, Мирзачўл ҳокими Б. Сериков, «Қизилқум» давлат хўжалиги директори С. Есимов ва бошқалар бозор иқтисодиётига ўтиш, нарх-наво тез-тез ўзгариб турган жараёнда маҳаллий ҳокиниятлар амалга ошираётган тадбирлар ҳақида гапиришди. Экинлар парваришини тўғри уюштириш борасида фикр-мулоҳазаларини айтдилар.

Қишлоқ хўжалик фаоллари йиғилишида И. Каримов нутқ сўзлади. У республика меҳнаткашларининг жойларда содир бўлган табиий офат оқибатларини бартараф этиш йўлида олиб бораётган тадбирлари, деҳқон ва чорвадорларга кўрсатилаётган ва кўрсатилажак амалий ёрдамлар хусусида гапирди. Республика раҳбариятининг мустақил Ўзбекистонни мураккаб иқтисодий танглик жараёнидан олиб чиқиш йўлидаги ҳамда ҳорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди.

Қишлоқ хўжалик фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## САФАРБАРЛИК

**● Шу йил 2 май куни кечқурун Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Паркент туманлари тоғлиқ жойларига қор ёғди. Табиий офат сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қанча қисми нобуд бўлди.**

Қор ёғиш эҳтимоли аввалдан бор эди. Бу фараз бахтга қарши тўғри бўлиб чиқди. Бўстонлиқ туманига ёққан қор совуғи токзорлар, тут дарахти барглари, сабзавот маҳсулотларига катта зиён етказди. Озуқабоп экинлар, картошка, мевали боғлар жиддий шикастланди. Юқори зонадаги ёнғоқзорлар юз фоиз зарарланди.

«Қизил Ту» жамоа хўжалигидаги 116 гектар ерга экилган помидор кўчатларининг 90 фоизини совуқ уриб кетди. Айниқса, Толиб Назаров (собиқ «Правда» газетаси 50 йиллиги» давлат хўжалиги) номли ва «Чорвоқ» жамоа хўжаликларида фавқулодда ҳодисадан кўп зарар кўрилди. Дастлабки таҳминларга кўра туман бўйича 21 фоиз ердаги галла, 41 фоиз ердаги картошка, 38 фоиз майдондаги помидор, 55 фоиз ердаги узумзор ва бошқа экинларни совуқ урган.

Паркент тумани ҳам тоғлиқ зонада жойлашгани туфайли қордан холи бўлмади. Ўзи шундайин ҳам ҳавоси салқин ҳисобланган туманда қор ёғиши иқлим шароитини янада ёмонлаштирди. Айниқса, «Сўқоқ», «Паркент», «Энгельс» номли, «Наврўз» давлат хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпроқ шикастланди. Карсилламе узумлари билан машҳур бўлган Паркент бу йил ана шу мевадан тўла ҳосил ололмаслиги маълум бўлиб қолди Тоққа яқин жойлашган юқоридаги хўжаликларда тут дарахти барглари, мева ва сабзавот маҳсулотларининг ҳам маълум қисмини совуқ уриб кетди.

Табиий офат бошланиши билан вилоят ва туманлар ҳокимлари, партия кенгашлари котиблари, хўжаликлар раҳбарлари ҳамда деҳқонлар оёққа турдилар. Қайта экиладиган экинлар чамалашмоқда. Табиат инжиқликлари оқибатларини тугатиш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда вилоят бўйича табиий офатдан кўрилган жами зарар 370 миллион сўмга боради.

**А. МАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда илмий тафаккурни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган тадқиқотлар учун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлар учун Абу Райҳон Беруний номли Давлат мукофотлари қўмитасининг таклифига биноан қуйидагиларга Абу Райҳон Беруний номли давлат мукофотлари берилсин:

**М. К. Баҳодирхонов, С. З. Зайнобиддинов, А. Т. Мамадолимов, Р. А. Мўминов, М. С. Сандов, М. Юнусов** — кремнийдаги аралашмаларнинг хатти-ҳаракатларини тадқиқ этганликлари, технологиялар, асбоблар ишлаб чиқиб, улардан халқ хўжалигида фойдаланганликлари учун;

**Ж. Ҳамидов, И. К. Мусабоев** (раҳбарлар), **А. Т. Оқилов** (марҳум), **Т. М. Исломов, К. Ниёнбоев, А. А. Турдиев, Ю. В. Шполянский** — ҳужайра ва тўқима тизимлари: эволюция, радиосезгирлик, инфекцион патологияни тадқиқ этганликлари учун;

**А. К. Валиев, Г. А. Пугаченкова, Ҳ. П. Пўлатов, М. М. Хайруллаев, С. Ш. Шермуҳамедов, Э. Юсупов** — миллий маданият ва маънавий мерос муаммоларини тадқиқ этганликлари учун;

**А. Х. Ҳайитметов** (раҳбар), **А. Х. Абдуғафуров, С. Ғ. Ғаннева, Е. Исоқов, Э. А. Каримов, А. Қаюмов, М. Р. Мирзаахмедова, С. Эркинов** — рус тилида «История узбекской литературы» («Ўзбек адабиёти тарихи»)ни яратишда қатнашганликлари учун.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлар учун:

**Т. А. Саримсоқов** — ўзбек тилидаги «Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси» (2-нашри, Т., «Ўқитувчи», 1982 йил), ўзбек тилидаги «Функционал анализ курси» (2-нашри, Т., «Ўқитувчи», 1986 йил), **Н. К. Аҳмедов** — ўзбек тилидаги «Нормал ва патологик анатомия билан физиология» (2-нашри, Т., «Медицина», 1990 йил) дарсликлари учун.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 май.

## ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ БОШ ВАЗИРИ СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

# ҚЎШМА АХБОРОТ

Туркия Жумҳурияти Бош вазири Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 1992 йил 27—28 апрель кунлари Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Томонлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги тарихий қон-қардошлик муносабатларига хос ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтган учрашувлар чоғида ўз мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, ўзаро муносабатлар ҳамда ҳамкорлик хусусида, минтақавий ва халқаро мавзуларда ишчанлик руҳида, фойдали тарзда ўзаро фикрлашиб олдилар.

Томонлар ана шу учрашувлар чоғида Ўбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркияга қилган сафари пайтида 1991 йил 19 декабрда имзоланган «Туркия Жумҳурияти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асос ва мақсадлари тўғрисида шартнома»дан келиб чиққан ҳолда хар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида янги-янги муносабатларни қидириб топиш, ҳар соҳадаги алоқаларни жадаллаштириш, бир-бирларини яхшироқ танишлари учун рағбат кўрсатиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар Туркия, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқлари ўзаро тарихий ва маданий ришталар билан боғланганлигини эътироф этган ҳолда ушбу давлатлар ўртасида муштарак мавзулар, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб туриш ва бу соҳада ҳамкорлик қилишни фойдали бўлар эди деб биладилар.

Шу билан бирга томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг йиғинлари олдидан ҳамда бошқа муҳим важлар юзасидан қардош республикалар ташқи ишлар вазирлари ёки вакиллари иштирокида ,мунтазам равишда фикрлашиб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

Туркия томони Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасида иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ҳамкорлик ташаббусларига катта қониқиш ва қизиқиш билан қарайди. Томонлар Туркиянинг халқаро ва минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги тажрибаси фойдали бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Томонлар ўзаро алоқаларни ривожлантиришда ҳар икки мамлакатда элчихоналар очиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаган ҳолда Тошкентда Туркия элчихонаси ўз фаолиятини бошлаб юборганини мамнуният билан қайд этадилар. Ўзбекистон томони Анқарада ўз элчихонасини ғоят қисқа фурсат ичида очиш учун лозим бўлган чора-тадбирлар кўраётганини изҳор этади.

Сафар чоғида Туркия ва Ўзбекистоннинг ҳукуматлари ва тегишли идоралари ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги битим, қуруқликдаги транспорт ташуви тўғрисидаги битим, ҳаво транспорти тўғрисидаги битим, кичик ва ўртача саноат корхоналарини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол, икки томон банклари томонидан банклар ҳамкорлиги тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бундан ташқари Туркия ва Ўзбекистон ўртасида кредит хусусида битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди ҳамда шунга қўшимча равишда Туркия томонидан Ўзбекистонга кредит эвазига 2 миллион тонна буғдой ва 250 минг тонна шакар сотиш тўғрисида келишиб олинди.

Туркия томони қўшалоқ солиқ тўлашнинг олдини олиш бўйича битим лойиҳасини таклиф этди ва Ўзбекистон томони ушбу лойиҳани бир ой ичида ўрганиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишини билдирди.

Туркия томони Ўрта Осиёдаги ва бошқа минтақалардаги республикаларнинг тараққиётига халқаро иқтисодий ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда айни пайтда ривожланиш банкини ташкил этиш бўйича олиб бораётган саъйи-ҳаракатлари хусусида маълумот берди. Ўзбекистон томони Туркиянинг бу соҳадаги саъйи-ҳаракатини мамнуният билан кутиб олганини ҳамда уни астойдил қўллаб-қувватлашини баён этди.

Томонлар ҳар икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда Туркия томони 1992-1993 ўқув йилида Ўзбекистон учун техник, ўрта ва олий таълим бўйича 2 мингта стипендияли ўрин ажратилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон томони бу хабарни катта мамнуният билан кутиб олганини билдирди. Томонлар буни рўёбга чиқариш учун тегишли идоралари зиммасига ҳамкорлик қилиш вазифасини юкладилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда телевидение кўрсатувлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этган ҳолда Туркия радиотелевидение ташкилотига қарашли ҳамда Европа, Осиё ва Шимолий Африкага кўрсатувлар берадиган Аврасия—ТВ кўрсатувларини Ўзбекистонга олиб кўрсатиш, Ўзбекистон киноси ва телевидение дастурларини ҳам ўз ичига олган ушбу кўрсатувлар хусусида ҳар икки мамлакатдаги радио-телевидение ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганини мамнуният билан таъкидлайдилар.

Ўзбекистон томони Туркия давлати турли соҳаларда Ўзбекистонга мадад кўрсатиб, ҳамкорлик қилиб келаётганини мамнуният ва миннатдорчилик билан қайд этади.

Томонлар ушбу сафар турк-ўзбек алоқаларини янада ривожлантиришда ғоят унумли бўлганлигини мамнуният билан таъкидлайдилар.

Бош вазир Сулаймон Демирэл сафар давомида шахсан ўзига ва ҳайъат аъзоларига кўрсатилган самимий ва қардошларча иззат-ҳурмат учун Президент Ислом Каримовга, бутун ўзбек халқига ва маҳаллий идораларга чуқур миннатдорчилигини изҳор этди.

## Танишинг: Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти Бернора Раҳимовна ҚОРИЕВА

Б. Р. Қориева 1936 йили Тошкентда туғилган. У ўрта мактабни тугатгач, аввал Тошкент (1952 йил), сўнг Москва (1955 йил) хореография билим юртини тамомлади. Ўттиз етти йилдирки, ҳассос санъаткор жумҳуриятимиздаги бош саҳна — Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта опера ва балет театрида ишлаб келмоқда. Шу даврда у жаҳон балет мактаби санъатининг етук намояндаси сифатида танилди. Миллий балетимиз ривожига жуда катта ҳисса қўшди. Унинг бу хизматларини давлатимиз, ҳукуматимиз Халқ артисти (икки марта), Давлат мукофоти лауреати (уч марта) унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирлади. Халқ унга юксак ишонч билдириб, ўзига нойб қилиб сайлади. Уч йил бурун санъаткорга Олий аттестация комиссияси томонидан «профессор» унвони берилди.

Б. Р. Қориева моҳир балерина-артист бўлиш билан бирга фидойи, ташкилотчи жамоат арбоби ҳамдир. Жумҳурият саҳна санъати аҳли уни 1985 йилда Ўзбекистон Театр жамияти бошқарувининг раиси қилиб сайлаган эди. Жамият 1987 йилда Уюшмага айлантирилганда Б. Р. Қориева яна раис сифатида ўз ишини давом эттирди. Яқинда бўлиб ўтган театрчилар қурултойида эса, у бир овоздан Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти этиб сайланди.

— Биз, театр ходимлари, — дейди у, — жонажон Республикамизнинг ойдин йўлларга дадил чиқиб олиши учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз, бадиий маданиятимизни янада равнақ топтириш учун курашишимиз, эҳтиёжларимизни юксак эстетик руҳда тарбиялашда асқотадиган баркамол саҳна асарлари яратишимиз керак. Бу бизнинг мустақил жумҳуриятимиз олдидаги асосий бурчимиздир.

**Ю. БЕРДИЕВ.**

• Ўзбекистон ва жаҳон

# ХИТОЙ КЎРГАЗМАСИ

Қўшни ва дўст мамлакат Хитой Халқ Республикасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар диққатга сазовордир. Бу мамлакат билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Чунончи республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин Президентимиз И. А. Каримов қадимий мамлакатга қилган дўстлик сафари натижасида ҳар икки томонлама ҳамкорлик қилиш юзасидан турли шартномалар имзоланди. Ана шу ҳужжатлар асосида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш учун дўстлик эшиклари кенг очилмоқда.

Кеча Тошкентдаги Республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси биносида Хитой Халқ Республикасининг Хэйлунцзян вилояти экспорт моллар кўргазма-ярмаркаси очилиши ҳам яхши ҳамкорлик сари қўйилаётган дастлабки қадамлардан биридир. Кўргазма-ярмарка очилиши чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси А. М. Муталов, Хитой Халқ Республикаси Хэйлунцзян вилояти экспорт моллари кампаниясининг бош директори Сиюй Цзай Лин нутқ сўзладилар. Шундан кейин ҳамма йиғилганлар кўргазма экспонатлари билан батафсил танишишга марҳамат қилади. А. Муталов бошчилигидаги Республика министрликлари, тегишли идораларнинг раҳбарлари, биржаларнинг мутахассислари ва кўплаб тадбиркорлар кўргазма экспонатлари билан қизиқиб танишдилар.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар орасида фермерлар учун қўл келадиган ихчам тракторлардан тортиб, қурилиш ускуналари ва рўзғор ашёлари ҳамда ранг-баранг кийим-кечаклар, турли мато намуналари томошабинлар диққатини жалб этди. Тошкентлик томошабинлар кўргазма экспонатларини муносиб баҳоламоқдалар.

Кўргазма-ярмарка 11 майгача ишлайди.

**А. ПЎЛАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

*

**Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси таъминотдаги қийинчиликларга қарамай барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда. Май байрами арафасида корхона аҳли тўрт ойлик режатопшириқларини ошириб бажарди. Бу ютуққа устки трикотаж фабрикаси тўқувчилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Бирлашманинг филиали бўлган ушбу корхонада 70 дан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир.**

**Суратда: тўқувчи Гулноза Тўйчиева.**

**Р. ШАМСУТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**



*

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

**● ХДП Андижон вилоят кенгаши Комсомолобод районида Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини меъёрлашган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминлаш тўғрисидаги қарори ва собиқ Андижон вилоят ижроия қўмитасининг шу масала юзасидан 1991 йил 19 мартда қабул қилган қарори бажарилишининг боришини ўрганди. ХДП район кенгаши ва район матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти бу соҳада муайян ишларни амалга оширди.**

Бу долзарб масала халқ депутатлари район кенгаши сессияси ва район ижроия қўмитаси йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Аҳолига белгиланган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа саноат моллари етказиб бериш назоратга олинди. Ҳар бир қишлоқ кенгаши қошида назорат комиссияси тузилди. Айниқса, Мингбулоқ ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг бу соҳада қилган ишлари мақтовга лойиқдир.

Район матлубот жамияти барча савдо шоҳобчалари раҳбарлари иштирокида кўрик-кенгаш ўтказди. Савдо дўконларига озиқ-овқат ва саноат молларининг тўғри тақсимланишига эришилди. Ўтган йил давомида четдан 266 тонна гуруч, 15 тонна асал ва 21 тонна картошка келтирилиб, район аҳолисига сотилди. Аҳоли эҳтиёжидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бошқа жумҳуриятларга юборилиб, улардан айирбошлаш йўли билан 221 минг сўмлик мол келтирилди.

Районда йилига 1 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарадиган цех, 90 ўринга мўлжалланган тикувчилик цехи ҳамда обжувоз қурилиб, ишга туширилди. Аҳолини меъёрлашган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминлаш мақсадида оилавий варақалар жорий этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Мавлудахон Жалолова мудирлик қилаётган 28-дўконда аҳолига меъёрлашган озиқ-овқат ва саноат моллари ўз вақтида етказиб берилаётганлиги маълум бўлди. Дўконда кам қонли аёлларга бериладиган ҳамма нарса муҳайё. Муҳиддин Йўлдошев оиласи билан суҳбат ўтказилганида у меъёрлашган молларни ўз вақтида олаётганлигини айтди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногирони, боқувчиси йўқ Сергей Якумчук ва боқувчисиз Тожихон Тўрабекова «Мингбулоқ» матлубот жамиятига қарашли

# ҚАРОР ВА ИЖРО

4-магазиндан ҳар ойда текинга озиқ-овқат маҳсулотлари олаётганликларини мамнуният билан таъкидладилар.

Айни вақтда «Улуғнор» давлат хўжалигининг меҳнат фахрийси Ўктамхон Баҳромова макарон маҳсулоти таъминоти яхши эмаслигидан шикоят қилди. Район матлубот жамиятига қарашли 8-магазинда аҳолини меъёрлашган маҳсулотлар билан таъминлаш ёмон ташкил этилганлиги аниқланди. Дўконнинг санитария аҳволи айниқса ачинарли. Дўкон омборида 20 шиша ароқ, 38 метр атлас, 26 метр бекасам очиқ савдодан яшириб қўйилган. Шу жамиятга қарашли 32-магазинда 10 килограмм «нилуфар», 4 килограмм «батонча» конфети, 14 килограмм печенье, 8 килограмм вафли, 16 банка асал очиқ савдога қўйилмаган. Фақат шу икки дўконнинг ўзида яшириб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари 4318 сўмликни ташкил этади.

Комсомолобод район матлубот жамиятига 1992 йил учун ажратилган меъёрлашган моллар 6580 оилани таъминлашга мўлжалланган. Ҳақиқатда эса 6889 оилага савдо хизмати кўрсатиляпти. Текшириш жараёнида «Оқолтин» қишлоқ кенгаши ҳудудида жойлашган 16-магазин қишлоқ кенгашининг рўйхати бўйича 115 оилага, район матлубот жамиятининг рўйхати бўйича 108 оилага хизмат кўрсатиши керак. Текшириш ўтказилган куни магазинда қайд этилишича 97 оилага варақа берилгани аён бўлди.

Назоратчилар текшириш ўтказган куни район матлубот жамиятига қарашли 1-магазинда газлама қолдиғи 1268 метр ўрнига 367 метр, калиш — 210 жуфт ўрнига 27 жуфт бўлган. Магазин мудири Ж. Тўраевнинг айтишича бу моллар халқ ноиблари қишлоқ Кенгаши ва маҳалла қўмиталарининг хатлари асосида тарқатилган. Лекин белгиланган норма ҳисобга олинмаган.

Район ички ишлар бўлими томонидан ўтказилган текширишда савдо шоҳобчаларида 33 та суиистеъмоллик ва қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган. Шундан 20 ҳолатда молларни очиқ савдодан яшириб қўйиш, 13 ҳолатда ҳаридорлар ҳақига ҳиёнат қилиш рўй берган. 9 савдо ходимининг иши чора кўриш учун район халқ судига, 26 киши собиқ район ижроия қўмитаси қошидаги маъмурий комиссияга, 7 киши ўртоқлик судига жўнатилган.

Район умумий овқатланиш корхонасида кассир бўлиб ишловчи Абдулҳаким Абдуллаевнинг уйидан шу корхона омборчиси Рафиқ Саримсоқов яширган 4160 килограмм оқ қанд, 120 килограмм сариёғ топилди. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари райондаги мактаблар ва 24-ўрта махсус билим юрти ошхоналарига берилиши керак эди. Ҳозир шу иш бўйича суриштирув ва тафтиш олиб бориляпти.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, халқ ноиблари, қишлоқ кенгашлари, маҳалла қўмиталари, савдо ташкилотлари раҳбарлари аҳоли озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлай олмаётирлар.

Вилоят партия кенгаши аҳволни ўнглаш юзасидан фойдали тавсиялар берди. Жумҳурият ҳукуматининг аҳолини меъёрлашган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминлаш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши бўйича ташкилотчилик ишларини янада яхшилаш, савдо шоҳобчалари фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва аҳоли эҳтиёжини қондиришда узилишларга йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш ва сақлаш тадбирлари белгиланди.

ХДП Комсомолобод район кенгашига савдо тармоқларидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, уларга доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси юклатилди.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЖАҲОН МАТБУОТИ С. ДЕМИРЭЛНИНГ ЎРТА ОСИЁГА САФАРИ ҲАҚИДА

Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэл бу расмий сафарини бошлашдан олдин Анқарада матбуот конференцияси ўтказиб, биз Ўрта Осиё Республикаларининг сиёсий ва иқтисодий тизимларини яратишлари ҳамда демократия ва бозор иқтисодиётига ўтишлари учун барча имкониятларимиз билан кўмаклашамиз, яъни уларнинг ўз мустақилликларини сақлаб қолишларига ёрдам берамиз, деган эди. Маълумки, С. Демирэлга бу ташрифида депутатлар, банкирлар, тужжорлар ва мухбирлардан иборат 200 дан ортиқ киши ҳамроҳлик қилмоқда.

Яқинда С. Демирэл телевидение орқали эълон қилган бошқа бир баёнотида «Туркий мусулмон халқлар Адриатика денгизидан то Хитой денгизига қадар ёйилган заминда яшамоқдалар. Бу ҳолат дунё жамоатчилигида Туркиянинг нуқтаи назаридан фарқли таассурот уйғотмоқда» деган эди. Туркияда пантуркчи ёки панисломчи хаёллар йўқ.

Сулаймон Демирэл Ўрта Осиё жумҳуриятлари бўйлаб сафарга жўнар экан, Лондонда чиқадиган «Индепендет» рўзномаси Туркия Бош вазирининг тайёрани лиқ тўлғазиб совға-салом олиб кетганлигига диққатни жалб этди ва гарчи, турк маъмурлари очиқ-ошкор айтишни хоҳламасалар-да, лекин Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Покистон Ўрта Осиёга ўз таъсирларини ёйиш учун Туркия билан мусобақага киришмоқдалар, деб ёзди.

Маълумки, Туркия С. Демирэл сафари билан бир вақтда Ўрта Осиё республикаларига телекўрсатувлар бера бошлади. Инглиз рўзномаси қайд этганидек, бу кўрсатувларни туркий дунёдаги 100 миллиондан кўпроқ аҳоли томоша қилади. Туркия радиоси ва телевидениеси бошлиғининг ўринбосари Седел Озсел бу ҳақда шундай деди «Дастурларимиз Атлантикадан Тинч океани ҳудудига қадар етиб боради, санъат ҳамда иқтисод соҳаларида муҳим ўрин тутади, маданий алоқалар нуқтаи назаридан бу воқеа бир мўъжизадир». Седел Озсел бу кўрсатувлар Туркия туркчасида олиб борилажагини айтиб, Ўрта Осиёдаги қариндошларимизнинг 70 фоизи тилимизни тушунади, бир-икки йилдан кейин барча туркийлар тушунадиган бўлади, натижада турк тили янада бойийди, деди.

Ўша инглиз рўзномасининг фикрича, кўпчилик турклар Ўрта Осиёдаги қариндошлари билан алоқа боғлаганлигини «Берлин девори» қулатилишига қиёсламоқдалар.

Англиянинг «Гардиан» рўзномаси Сулаймон Демирэл Ўрта Осиё республикаларини зиёрат қилаётган ғарблик (Туркия жуғрофий жиҳатдан икки қитъада — ҳам Осиё, ҳам Европада жойлашган) биринчи раҳбар эканлигини ва унинг бу ташрифидан мақсад сўз кетаётган ўлкалар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш эканлигини ёзиб, Туркия Бош вазирининг Тошкент тайёрагоҳида: «Ўзбекистон — ота-боболаримиз юртидир», деганини алоҳида қайд этади. Рўзноманинг ёзишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: «Туркия ўлкамиз мустақиллигини тан олган биринчи давлатдир ва биз Туркия тараққиёти йўлидан боришга қарор қилганмиз», деган.

Маълумки, Туркия ҳукумати Озарбойжон армияси учун зобитлар тайёрлаб бериш истагини билдирди. Барча Ўрта Осиё республикаларидан Туркияга келиб ўқийдиган талабаларга стипендия тайинлаш кўзда тутилмоқда, бу республикаларга дарслик, қўлланмалар юборилмоқда. «Гардиан» рўзномаси С. Демирэлнинг, биз учун Ўрта Осиё республикаларининг мустақилликларини сақлаб қолишлари мазкур республикалар билан иқтисодий алоқалардан кўра муҳимроқдир, деганини алоҳида таъкидлади.

Туркия келгуси ҳафтада Европа кенгашининг навбатдаги бошлиғи вазифасини қабул қилиб олади. Рўзноманинг фикрича, Туркия бу лавозимдан фойдаланиб, Шарқ билан Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўташи мумкин.

**Анвар ЖОН,**
**«Озодлик» радиоси ходими.**

(Радионинг Ўзбекистондаги мухбири Тоҳир УМАРОВ тақдим этган).

# ШАҲАРЛАР ҚАРДОШЛИГИ

**Россиянинг Братск шаҳри вакиллари уч кун мобайнида Бухорода бўлишди. Бухоро шаҳар ҳокими У. Носиров, Братск шаҳри маъмурияти бошлиғи И. Невмержевский ҳамда Братск шаҳар кенгаши раиси В. Шуба иккала шаҳар биродарлашгани ҳақидаги ҳужжатларни имзоладилар.**

**ЎзА мухбири И. Сафаров Братск шаҳри маъмуриятининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими мудири В. В. Макаров билан учрашиб, суҳбатлашди.**

**— Владимир Витальевич, Бухоро ва Братск шаҳарлари биродарлашгани иккала шаҳар аҳли учун фойдали бўлгани тўғрисида фикрингиз қандай!**

**— Собиқ Иттифоқ тугаши билан республикаларо барча алоқалардан путур кетди. Бухороликлар билан биродарлашар эканмиз, ана шу иқтисодий қийинчиликлардан биргаликда чиқиш йўлларини излаймиз. Биз Бухоро учун ёғоч, тахта материалларини истаганларича етказиб бера оламиз. Бухоро шаҳрида қанд (шакар) заводи қуриб бериш ниятимиз бор. Ўз навбатида бухороликлар ҳам Братскдаги биродарларини эрта баҳордан кеч кузгача сервитамин мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаб туриш мажбуриятини олишди.**

**— Шартномада фақат иқтисодий алоқалар ҳақида сўз борадими?**

**— Йўқ. Биз маданий алоқаларни ҳам ривожлантириш тарафдоримиз. Братскда Бухоро кунлари ва Бухорода Братск кунлари ташкил этамиз. Бухоролик болаларни ёзги таътил кунларида Братск лагерларида дам олиш учун таклиф қилдик. Спортчилар алоқасини янада яхшилаш тўғрисида ҳам келишиб олдик.**

# ЖИГАРИСТОНЛИК ЖИГАРБАНДЛАРИМ

*Бу мақола бир йил муқаддам ёзилган эди*

Жигаристоннинг Қурама тоғларига уланиб кетган зинапояни эслатгувчи қияликларидан бирига дарз кетди.

Бу дарз май ойининг дастлабки кунларида қизғин фаолият бошланиши арафасида содир бўлди.

Кутилмаган кўчки лаҳзалик шовқин-сурон ила бир неча хонадонни хонавайрон, 54 муштипарни шаҳид этди.

Булоқ суви лойқаланди, эрталаб тоғ этакларидаги майсаларга қўйиб юборилган ҳайвонлар оқшом пайти ўз оғилларини тополмай, эгаларининг ҳай-хушларини эшитолмай тинимсиз маърадилар.

Жигаристонлик шаҳидлар!

Шундоққина кўчкининг ён-верида қишлоқда табаррук ҳисобланмиш Мулла Қосим бувининг бундан қирқ-қирқ беш йил муқаддам қўйилган ягона қабри турибди. Табиатнинг тантилигини қарангки, қабристон олдидаги ягона дўланани суриб иккига бўлибдию, табаррук қабрга тегмабди. Уйқудан уйғонган дўлана йиллар оша қўриқлаган мозорни тавоф айлаб, сўнгги бор кўз тикаётгандай мунғайиб турибди.

Жигаристонлик жигарларини излаб келаётганларнинг чеки йўқ!

Уларнинг бири ўзбек, бошқаси рус, ёнбошида тожик, орада татар, бошқирд, қозоқ, қирғиз...

Оқсоқоллар ғамгин тиловат ўқиб, қўлларини юзларига суртадилар.

Табиат ҳам жигаристонлик жигарларига аза очди, қора булутлар сузиб, офтоб оламини бир муддат тўсиб, уч-тўрт томчи ташлади.

Жигаристонлик жигарбандларим!

Сизлар ким эдингиз! Қайси бирингизнинг номларингизни бирма-бир келтирсам экан!

Қўрғоннинг табаррук оқсоқоли 96 ёшни қоралаган Пўлат бобони ёд олайми? 80 баҳорни қаршилаётган Аймал момо қўша қариган чолидан йироқ бўлишни хоҳламадимикан? Фарзанди Асқар-чи?

Шаҳидлар руҳига тиловат қилиб қияликдан тушиб келарканмиз, кўзларию юзларини мунг қамраган қизалоқни тўхтатдик.

У сўзлаяпти, томирлар бўйлаб қон эмас, алам айланяпти.

У сўзлаяпти, кўзларидан ёш томчилаяпти.

У сўзлаяпти, папкасини бир бурда нон билан тўлатиб мактабига ошиққан дугоналари...

Қизалоқ қишлоқдаги 3-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Маҳфуза Мажикова эди.

Сен не-не дилларни ғамларга ботирдинг, эй кўчки! Ҳали мактаб остонасига қадам қўйишга улгурмаган болакайларда не гуноҳ бор эди! Бешикда ором олаётган чақалоқни нега авайлай олмадинг!

Маҳфуза ҳикоя қилади.

Буни қаранг табаррук Пўлат бобо, Аймал момо, қолаверса фарзанди Асқаржон фарзанду невараларининг тақдирини ўйлаган. Уларни омон олиб қолиш мақсадида ўзлари шаҳид кетишди.

— Уларни Раҳовлар оиласи дейишади, — дона-дона сўзлайди Маҳфуза. — Мунаввара билан бирга ўқиймиз. Ҳалима 7-синфда, Фазилат 3-синфда ўқийди. Умида эса 6 ёшда.

— Омон қолишганми ишқилиб, — интиқлик билан сўраймиз...

— Ҳа. Шаҳримиздаги болалар касалхонасида даволанишяпти. Синф раҳбаримиз Муҳаббат опа билан бориб кўриб турдик.

Даврамизга Манзура Шодмонова қўшилди. Унинг кўнглини кўтара олиш, далда беришга қийналамиз.

Қидировлар оиласи. Бу оила Манзурахон учун азиз ва мўътабар. Акалари, тоғалари... Акаси Абдуллажон шахтада ишларди. Ўғиллари Тоҳир, Собир, Зоқир, Зоир билан мангу уйқуда ётишибди. Биргина келин, Орзигул Қидирова нон заводига ишга кетганлиги туфайлигина омон қолган. Тоғаси Муҳаммаджон Қидиров, онаси Қумриниса, келини Шаҳриниса, шириншакар олти фарзанди билан шаҳид бўлишди.

Шаҳидлар! Яна қайси бирингизни тилга олай! Ахир сизлар нурдай пок, бегуноҳсизлар. Сизларнинг орзу-умидларингиз ҳамқишлоқларингиз турмушида амалга ошгуси! Сизлар бошлаган табаррук ишлар охирига етказилгуси! Ҳали сабоқ нималигини англаб улгурмаган болакайлар ҳам бир умр ёд этилгуси!

Афсус ва надоматлар ила айтамизки, биз ҳамиша кеч қоламиз. Нега шундай! Бирор бир фалокат юз бергандан сўнггина ҳаракатга тушиб қоламиз. Нега? Нега!

Жигаристондаги фалокатнинг олдини олиш мумкинмиди!

Албатта, мумкин эди!

Жигаристонлик жигарбандларимиз бугунги кунда даврамизни тўлдириб юришлари мумкинмиди!

Албатта, мумкин эди!

Афсус! Афсус... Биз уларни омон сақлай олмадик. Нега?

Эллигинчи йилларнинг ўрталарида шундай фалокат юз берган эди.

Куни кеча рўй берган кўчкидан бир неча қадам наридаги тоғ нураган, унинг машъум излари ҳамон ғожиадан дарак бериб турибди.

Бу фалокат юз бериши ҳам аввалдан маълум эди. Ўтган йилнинг кузида чўққи атрофида ёриқ пайдо бўлган. Қишлоқ аҳли огоҳлантирилган.

Ниҳоят, уч бульдозер билан тупроқни секин-аста суришга аҳд қилинган. Лекин ҳали иш қилиб улгурмаёқ, фалокат бульдозерларни ҳам домига ютиб кетган.

Биз бир умр яшаб келган, киндик қони тўкилган ва муқаддас ҳисобланган маскандан кўчинг, кўчайлик деймизу бирор бир хонадоннинг калитини дадил тутқазмаймиз. Баъзан жой ажратиб беришни пайсалга соламиз.

Шу ўринда бир зум хаёлга толаман.

Ангрен шаҳрининг мутасадди раҳбарлари, бундан бир ҳафтами, бир ойми, бир йилми муқаддам «Жигаристонликлар учун фалонча хонадон ажратиб қўйдик, мана уйга кўчиш руҳсатномаси ёки янги ажратилган жой мана бу» дейишганида юзлари ёруғ бўлармиди?

Яна ўйга толаман.

Бўлар иш бўлди, яна ортда қолдик. Ёрдамга келаётган, ҳамдардлик билдираётганлар кўп.

Кийим-кечак, кўрпа-тўшак дейсизми, озиқ-овқат дейсизми, моддий ёрдам дейсизми? Бухоро вилоятининг Конимех районидан шаҳидлар учун қилинаётган еттиси учун 50 та қўй олиб келинибди.

Ўшлик уч азамат меҳнат таътилини зудлик билан олиб, еттиси учун дамланадиган паловни ўзлари тайёрлашга сўз беришибди.

Андижон, Фарғона, Наманган, Ҳўжанд... Совға-саломлар, ҳиммат, саховатлар...

Барибир, дилим хун. Жигаристондаги фожианинг олди олинганда буларнинг кераги йўқ эди.

Афсуски, ололмаяпмиз.

Жигаристонга сафарим олдидаги академик Турсун Рашидовнинг сўзларини эслайман.

— Биз кўп ишларда кечикяпмиз. Айтайлик, адирларни ўзлаштирамиз, пахта экамиз деб бонг урамиз. Бутун ҳаракатимиз ана шу ишга жалб қилинади. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сув синга-синга нима бўлади. Барибир, ана шу қияликми, адирликми, қайси бир жойинидир ўпириб кетмаслигига ким гувоҳлик беради. Ёки бошқа бир мисол. Жумҳуриятимизда томорқа учун барча имконият яратиб берилди. Ҳар бир оила баҳоли қудрат иморат соляпти. Уни назорат қиладиган, лойиҳасини кўздан ўтказадиган бирор бир ташкилот борми? Биз эртани, индинни ўйлаяпмизми? Унинг зилзилага ва бошқа оқибатларга бардошлилигини биламизми? Қўлдан кетгунча—эгасига етгунча қабилидаги ишларнинг вой бўлишини кўриб турибмиз-ку!

Академик ҳақ! Жигаристон буни исбот этди.

Босилаётган ҳар бир одимимиз назоратда бўлиши керак. Шундагина кечикмасмиз, деб ўйлайман.

Жигаристонлик жигарбандларим ҳузурига бешинчи куни бордим.

Кўриб турибсизки, мен ҳам кечикдим!

Минг бор узр, жигарбандларим!

**1992 йилнинг 4 майи. Кеча Жигаристон яна одамлар билан гавжум бўлди. Улар шаҳидлар қабристонида ўтганлар ҳақига тиловат қилдилар. Хотира боғига кўчатлар ўтказилди, эл-юртга йил ошн тортилди.**

**Сизларнинг табаррук номларингиз ҳамон қалбимизда!**

**Мирза КАРИМ.**

# ТИЛ МИЛЛАТНИНГ ЮЗ-КЎЗИДИР

**● 30 апрель куни давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов олиб борди.**

Мажлисда давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комиссияси мажлисларининг қарорлари қандай бажарилаётгани, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат тили ҳақидаги Қонун ва давлат дастурининг рўёбга чиқарилиши, атамашунослик қўмитаси тавсия этган русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари ҳақидаги масалалар кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш юзасидан аввал ўтказилган мажлисларида қабул этилган қарорлар вазирликлар, ташкилотлар ва идораларда, вилоятлар ва туманларда қандай бажарилаётгани ҳақида мулоҳазалар айтилди. Бу иш кўнгилдагидек эмаслиги қайд этилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат тили ҳақидаги Қонун ва давлат дастурининг ижросига бағишланган масала қизғин муҳокама қилинди. Бу ташкилотда мазкур Қонунни амалга ошириш ниятида жуда оз иш қилинди. Бинобарин, миллий авиакомпания марказий идораси ва унинг ташкилотларида давлат тили ҳақидаги Қонунни амалда қўлланиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Давлат тили дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 101-қарори авиакомпания жамоаларида муҳокама қилинмаган. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда тузилган давлат тили комиссияси таркибидаги кишиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайди. Марказий идорада иш рус тилида юритилади. Бошқарма бошлиғининг давлат тилини амалга ошириш тўғрисида чиқарган буйруғи қандай бажарилаётганини назорат қилишни бу ерда тузилган тил комиссияси хаёлига ҳам келтирмайди. Русий забонларга ўзбек тилини ўргатиш дарслари мунтазам олиб борилмайди, ўтказилган машғулотларнинг савияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Тошкент аэропортида давлат тили ҳақидаги Қонун ижроси мутлақо қониқарсиз. Бу ерда давлат тилига ўтиш учун на комиссия тузилган ва на тадбирлар белгиланган. Пешлавҳаларнинг аксар кўпчилиги фақат рус тилида битилган.

Учрашув мажмуида ҳам давлат тили ҳақидаги Қонунга эътибор берилмаяпти. 650 дан ортиқ борткузатувчидан атиги 200 га яқини маҳаллий миллат вакилларидир. Халқаро қатнов (рейс)лардаги 78 борткузатувчининг 12 нафари ўзбек, қолганлари эса давлат тилини билмайди. Ҳозир авиакомпанияда 456 нафар қиз-жувон борткузатувчи бўлиб ишламоқда, афсуски, уларнинг атиги 127 нафари давлат тилида сўзлаша олади.

Мажлисда сўзга чиққан тил комиссиясининг аъзолари, ёзувчилар, журналистлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат Қонунини рўёбга чиқариш борасида йўл қўйилган камчиликларни қаттиқ танқид қилиб, айни вақтда уларни бартараф этиш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, амалий таклифларни ўртага ташладилар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбариятининг давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш борасида кейинги кунларда бир қанча янги режалар тузгани, тадбирлар белгилагани, ташкилий ишларни кўриш ниятида экани эътиборга олинди.

Шундан сўнг атамашунослик қўмитаси тавсия этган русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Мажлис аҳли давлат тили ҳақидаги Қонун бундан икки ярим йил муқаддам Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда қабул қилинганини, эндиликда мустақиллик шарофати билан унга ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тақозо этилаётганини таъкидлади. Бу фикр қўллаб-қувватланди. Тегишли вазирликлар ҳамда ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун шу ҳақда масала тайёрлаш таклифи айтилди.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

**Б. АБДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Шарофнома

● ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ
● ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК
● Ш. РАШИДОВ УЙ МУЗЕЙИ
● ҚАБР ва ҚАДР
● ҲАҚЛИ ТАЛАБ

## 1.

• АКС-САДО

# ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

**ЕКИ «ЭЛ ОТАСИ ЭДИ» («ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ, 25 ФЕВРАЛЬ) МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ**

Рўзномамизда «Эл отаси эди» мақоласи эълон қилингач, таҳририятимиз муштарийлардан жуда кўплаб хатлар олди. Улар таҳририятнинг «Шарофнома» китобини яратиш тўғрисидаги ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлаганлар.

Ҳақиқатан ҳам Шароф Рашидов яхши ниятлари билан халқнинг қалбидан чуқур жой олган, ҳамманинг юрагида, қалбида ўчмас из қолдирган инсон эди. У республика ҳаётида жуда катта ишлар қилди. Шароф Рашидов раҳбарлик лавозимидаги ўз ишида икки ўт орасида яшади, ишлади, ижод қилди. Ўзбекистон Москвага, Москва кўрсатмалари Ўзбекистонга тўғри келмас, иложи борича «мослаштириб» ишлашига тўғри келар эди. Шунинг учун ҳам баъзан «Ҳамма нарса ўз қўлимизда эмас-да» деб чуқур хўрсинар эди. Зеро. ўша дамлардаги бу энтикиш унинг республика мустақиллигини ўйлаб армон ва алам билан яшаётганидан эди...

Раҳмат Файзий айтганидек, тоғ қулади, чинор қулади. Қалби беғубор, орзуистаклари пок, ҳаммамиз учун беқиёс азиз, меҳрибон раҳбар, чин маъноси билан Улуғ инсон дунёдан абадий кўз юмди. Ҳамма қалби пок инсон йиғлади. юрт йиғлади, халқ йиғлади...

Лекин... Ўлимидан сўнг айрим кимсалар унга, унинг руҳига лой чапладилар. Бироқ улар бармоқ билан санарли эди. Улар халқ эмас, балки маълум мансаб кетидан қувган нонкўр шахслар эди. Чунки улар ўзлари муносиб бўлмаган лавозимларга тиш-тирноғи билан интилаётгандилар. Баландликка чиқдилар ҳам. Шароф Рашидов дунёдан ўтгач, уларга дунё кенг бўлиб қолди ва марҳумлар жавоб қайтаролмаслиги уларга қўл келди. Баландликдагилар маъмурий бюрократ марказнинг пашшадан фил ясаб келтирган «далиллари» кишиларни адаштирди ва қўрқитиб қўйди. Бунинг сабаби. ўтмишдаги маъмуриятчилик ва адолат устидан адолатсизликнинг ҳукмрон бўлганлиги эди. Шунинг учун ҳам, деярли ҳеч ким ҳақиқатни кўтариб чиқишга журъат этолмади. Журъат этганлар ҳам қирғинбарот қилинди....

Демократия ва ошкоралик туфайли бюрократик марказдаги нопок шахсларнинг жирканч қилмишлари энди ошкор бўлди. Ҳамма нарса ўз ўрнига, ўз изига тушаётир, топталган тақдирлар, топталган руҳлар қад кўтараётир. Республика Президенти Ислом Каримов мардларча иш тутди. Ш. Рашидовнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлади.

Яқинда республика деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу йил Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги тантанали нишонланишини маълум қилди. Бундан эл, юрт ғоят мамнун бўлди. Минг шукурларки, энди мустақиллигимизга кўз тегмасин. Бу қилинаётган ишлардан, эзгу ниятлардан, холис тилаклардан Шароф Рашидовнинг руҳи, арвоҳлари шод бўлади.

Бугун биз таҳририятимизга йўлланган мактублардан бир қисмини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Зеро, «Шарофнома» китобини яратишга ҳар бир пок ниятли инсон ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

**Т. ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» рўзномасининг ижтимоий адолат бўлими мудири.**

## 2.

### ҲАДИСЛАРДАН

● Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар.

● Ўлганларни ҳақоратлаб, уларнинг тирик қариндошларини ранжитиб қўйманглар.

● Тангри афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутади.

●

● Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг ҳар бир жойини, унинг одамларини яхши билар эди. У доимо пахтакорлар, чўлқуварлар, механизаторлар, боғбонлар даврасида бўлган. Унинг маслаҳатлари доимо уларга асқотарди.
СУРАТДА: шундай учрашувлардан бири. 1978 йил.

## 3.

# ИЖОД БОҒИ

«Ўзбекистон овози»нинг Жиззахдаги қабулхонасига ташриф буюрган отахон Асрор Ахроркулов бежирим муқоваланган китобчани — ҳамкасб дўсти, ажойиб ёзувчи, таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларини тақдим этди. Асрор Ахроркулов асли форишлик. Талабалик йилларини марҳум Ш. Рашидов билан биргаликда ўтказган. Ҳар иккаласи дастлабки ижодий ишларини бир-бирлари билан ўртоқлашишга одатланишган. Бу самимийлик Асрор ака қишлоқ мактабини кўп йиллар бошқарган, Шароф Рашидов эса салкам чорак аср жумҳуриятга раҳбарлик қилган чоғларида ҳам давом этганди. Хотиралар билан танишган киши Ш. Рашидовнинг оддий инсонларга, тенгдошларига, умуман меҳнаткаш халққа нечоғлиқ эътиборли бўлганлигига ишонч ҳосил қилади. Хусусан Асрор ака томонидан Ш. Рашидовнинг ҳар-бир янги асарига нисбатан билдирилган фикрларга муаллиф ўз қўли билан хат ёзиб, ташаккур изҳор этган ва аксинча.

—Рости бу хотираларни ёзишга худди ўша — буюк инсон номи қувғин қилинаётган йилларда киришгандим, — дейди А. Ахроркулов.—Рўзномаларингиздан «Шарофнома»нинг яратилиши ҳақидаги хабарни эшитиб, бениҳоя қувондим. Ташаббуснинг жумҳуриятимиздаги отахон рўзнома бошлаб берганлиги ҳам айни муддао бўлибди. Зеро «Шарофнома» китобини яратиш мақола сўнггида жуда тўғри таъкидланганидек Ш. Рашидов замондошларининг инсонийлик бурчидир.

Шу кунларда таниқли давлат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидовнинг туғилган юртида ҳам унинг қадриятини тиклаш, таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш юзасидан вилоят комиссияси ташкил этилди. Комиссия фаолиятини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў. Олимов бошқармоқда.

Дастлабки жараёнда асосий эътиборни Ш. Рашидовнинг уй музейини ташкил этиш, у киши номидаги ижод боғини яратишга қаратяяпмиз, — дейди комиссия аъзоси, «Жиззах овози» рўзномасининг муҳаррири Акром Иномов. — Ҳайкалтарош Я. Шарипов Ш. Рашидов бюстини тайёрлаяпти.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ташаббусидан руҳланган, уни қўллаб-қувватлаётган ҳамюртлар рўзнома орқали Ш. Рашидов ҳақидаги хотиралар, эсдаликлар ва суратларни Жиззах шаҳри, Нариманов кўчаси, «Жиззах овози» манзилгоҳига юборишлари мумкинлигини билдиришни илтимос қилмоқдалар.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# РУҲИ ШОД БЎЛСИН

«Элнинг отаси эди» мақоласини ўқиб жуда хурсанд бўлдим, ундан қаттиқ таъсирландим. Улуғ инсон Шароф Рашидов хотирасига ёзилган шундай мақолаларни чоп этиш, айниқса, «Ўзбекистон овози» учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки ҳаммага маълумки, Шароф ака бир неча йиллар давомида «Қизил Ўзбекистон» — ҳозирги «Ўзбекистон овози» рўзномасида муҳаррир бўлиб хизмат қилган. Муҳарририятингизда ўша зотнинг руҳи кезиб юрибди.

Мени қувонтирган яна бир нарса шуки, «Шарофнома» яратишдек муқаддас ишга бел боғланибди. Ўйлайманки, ушбу бўлғуси китоб саҳифалари ул зоти шариф ҳақидаги энг яхши хотираларга тўлиб-тошиб кетади.

...Жуда яхши эсимда, 1983 йилнинг 1 ноябрида Халқлар Дўстлиги саройида Ш. Р. Рашидов билан видолашув бўлганди. Ўшанда Бешёғочга ҳар тарафдан халқ оқиб келаверганди. Раҳбар ва устоз шаънига айтилган ҳар бир сўз қудратли нидо бўлиб отиларди. Йиғилганлар ўз оталарининг жанозасида тургандек, ҳўнг-ҳўнг йиғлардилар... Мана, орадан тўққиз йилча вақт ўтибди. Шу даврнинг ичида чинакам комил инсон шаънига не-не нолойиқ сўзлар айтилмоқда... Менинг хонамда Ш. Рашидовнинг сурати солинган рамка доимо осиғлиқ турган. Бундан таажжубланганларга «Сиёсат билан ишим йўқ, мен Рашидовни инсон ва адиб сифатида яхши кўраман», деб жавоб қайтарардим.

Ш. Рашидов ўлимидан 1—2 йил ўтгач, В. И. Ленин музейи қаршисидаги қабрдан жасадни қазиб олиб кетдилар... Ўзбекларда «гўрдан гўрга кўчиш» ғоят мудҳиш ва шармандали ҳол. Ҳайҳот,бу ҳолга Рашидовдек инсон тушибди!.. Аммо ҳанузгача раҳматликнинг ҳоки қўйилган мозор қаердалиги маълум эмас. Балки, маълумдирку, мен буни билмасман.

**Ҳайруллo НУРИДДИНОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

## 4.

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

ДУСТ ХОТИРАЛАРИДАН

Шароф Рашидов Фориш-га тез-тез келиб турар эди. Бир келганларида уйга сим қоқилди: «Сизни Шароф ака сўраяптилар». Мен уйдан райком биноси олдига боргунимча 5—10 минут кутиб қолдилар. Саминий кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. «Биз бу киши билан Жиззах мадрасасининг зах хоналарида (техникум ётоқхонасида) керосин чироқ ёқиб «5» баҳога ўқиганмиз» деб мени таништирдилар ҳамроҳларига ва талабалик йилларимизни эсга олдилар...

«Иш билан чарчамаяпсизми» — деганимда: «Чарчашга ҳаққимиз йўқ. Бу йил пахтадан рекорд ҳосил беришимиз керак», — деди. Чиндан ҳам ўша йили пахта хирмони мажбуриятдан ҳам ошиб кетди.

Ҳамма иш учун ҳам у чин юракдан жон куйдирар эди. Пахта учун эса айниқса. Пахта жабҳасида ўз жонини фидо қилди. Ўз ҳаётини шу билан якунлади, соғлиғи билан ҳисоблашмади. Ҳисоблашганда эди ҳали кўп ишлар қилган, халққа янги-янги асарлар берган бўлар эди. Шифокорларимиз у кишини бераҳм ўлим чангалидан сақлаб қола олмадилар. Пешонамизга сиғмади.

Шароф Рашидович ўзбек халқини беҳад севар эди. Шу билан бирга бошқа миллат халқларини ҳам кам севмас эди. Айниқса, рус халқига ҳурмати жуда баланд эди. Ҳақиқий байналмилалчи эди. Бу хислат у кишининг ҳамма асарларида, нутқларида, ишида ёрқин ифодаланиб турар эди.

Шароф Рашидовичнинг оиласи, фарзандлари ўз оталари билан— чин маъноси билан пок, ажойиб, табаррук инсон билан муносиб ва ҳақли равишда фахрланса-лар арзийди.

«Ўзбекистон халқи билан бирга чуқур қайғудаман. Ўзбек халқи Шароф Рашидович Рашидов каби ўзининг бутун ҳаётини тўлалигича халқ хизматига бағишлаган ажойиб инсонларни камолга етказганлиги билан ҳақли равишда фахрлана олади» — дейди Доғистон халқининг буюк шоири Расул Гамзатов.

«Бутун қалмиқ ёзувчилари қаттиқ қайғурмоқдалар», — деб ёзади қалмиқ ёзувчиси Давид Кугилтинов.

«Ўзларининг толмас ғамхўридан айрилган Ўзбекистон ёзувчиларига чуқур таъзия изҳор этаман», — деб ёзади Михаил Алексеев.

«Ўзбек халқининг буюк фарзанди... Содиқ ва ғамхўр дўст Шароф Рашидовнинг фавқулоддa вафот этгани юракларимизни силкитиб юборди», — дейди Фотих Ниёзий.

«Алвидо дейишга тилим бормайди, азиз отажоним», — деган эди донгдор пахтакор Холбуви Рустамова...

Мамлакатимизнинг барча бурчакларидан ва ҳатто юзлаб чет эллардан келаётган сўнгги йўқ чуқур таъзияномаларни изтиробсиз, кўз ёшисиз ўқиб бўлмасди.

У кишидан фақат ва фақат яхши хотиралар қолди. Шароф Рашидов шундай улуғвор инсон бўлишига, катта лавозимда бўлишига қарамасдан жуда-жуда камтар эди. Иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан табриклашга борганимда мен у кишига: «Халқимизда бир мақол бор: «Халқ айтмайди, айтса тек айтмайди»,— деган.

«Халқимиз Сизга иккинчи марта қаҳрамонликни аллақачон бериб қўйган эди, фақат Олий Кенгашнинг фармонини кутаётган эди» десам: «Бу меҳнат халқнинг иши, халқнинг меҳнати» деди. Мен эса «халқнинг ишига ҳам кимдир раҳнамолик қилади, раҳбарлик қилади», — дедим. У киши кулиб қўйдилар, раҳмат дедилар.

Шароф Рашидович Фориш райкоми пленумида қатнашадиган бўлди. Зал тўла. У киши ўз ҳамроҳлари, район раҳбарлари билан залга кириб келиши билан ҳамма ҳурмат билан ўрнидан туриб, қарсаклар билан кутиб олмоқда эди. Менга кўзи тушиб, келиб кўришди ва яқиндаги бўш стулга ўтирди. Пленумда ёрқин нутқ сўзлади. Сўзлаганларида у киши топшириқ, буйруқ эмас, қалбга бориб етадиган иссиқ сўзларни айтиб, кишиларни илҳомлантириб, «Илтимос қиламиз, сўраймиз» дер эдилар, кўпинча.

Шунинг учун ҳам у киши: «Дилдан айтилган сўз дилга бориб етади» дер эдилар.

Пленум тамом бўлди, яна ҳамма ўрнидан туриб, қарсаклар билан кузатмоқда. У киши залдан юриб чиқар экан, менга қўл узатди. Мен «хайрлашяпти» деб ўйладим, йўқ, у киши қўлимни қўймай «юринг» деди, бирга олиб жўнади, биз бирга Советлар уйидан чиқдик.

— Пальтонгиз йўқми? — сўради у.

— Ичкарида, — дедим.

— Кийиб чиқинг, шамоллайсиз, — деди Рашидов.

Қаранг, қандай меҳрибончилик, ҳар бир нарса ҳам у кишининг назаридан четда қолмас эди. Бир соат чамаси бирга, бир стол атрофида қарама-қарши ўтириб чой ичдик, овқатландик. Шунда ҳам республика, вилоят ва район раҳбарлари билан режалар ҳақида гаплашиб ўтирдик.

Борганларимда албатта саломатликларини сўрар эдим. «Ёш кетиши, улғайиши билан билинар экан, уруш яралари дарди билиниб туради, — дедилар. Бир сафар. Гриппни оёқ устида ўтказган эканмиз, шу туфайли ётиб олишга тўғри келди», (ўшанда пахта плани бажарилиб, у киши касалхонада турган жойида телевизор орқали гапиришга тўғри келган эди).

Дунёда энг яхши, энг бахтли кишиларгагина муяссар бўладиган олийжаноб, инсоний ҳислатларнинг ҳамма-си Шароф Рашидовичда тўла-тўкис ва мукаммал мужассамланган эди.

«Ғолиблар» романига дастхат ёзиб менга берар эканлар, шундай деди: «Қаҳрамонларимиз (яъни. Ойқиз билан Олимжон) энди тўй қилиб, уйланишлари керак. Янги китобни ёзиш учун ҳамма материаллар тайёр, фақат ўтириб ёзиш керак. ёзиш учун вақт керак. Китобхонлардан қарздормиз» дедилар. Мен: «Шунча иш билан шунча асарлар бердингиз китобхонларга. Бу қарздан ҳам қутулишга муяссар бўласиз, албатта» дедим. У киши жилмайиб қўйдилар. Бу қарз ўрнига «Дил амри» асари берилди китобхонларга. Ҳаёт бўланларида «Ғолиблар»ни давоми ҳам яратилар эди, сўзсиз.

Менга «Ғолиблар» романини берганларида унинг биринчи бетига шундай деб дастхат ёзгандилар:

**«Дўстим Асрор Аҳроркуловга.**

**Техникумда бирга ўқиган йилларимиз хотирасини эслаб, сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф.**

**16/IV—1979 йил.**

**Тошкент шаҳри».**

Ёки «Икки дил достони» ва «Бўрондан кучли» асарлари ҳақида ўз таассурот ва мулоҳазаларимни ёзганимда, шундай деб жавоб хати ёздилар:

**«Салом Асрор ака!**

**Самимий мактубингизни ўқиб шод бўлдим. Ёзувчи учун энг қимматли ва қадрли сўзларни ёзибсизки, бу менга қўшимча куч ва илҳом беради. Азиз ўқувчининг дидига ёқадиган муносиб асарлар ёзишга сўз бераман. Сизга соғлиқ ва саломатлик, севинч-қувонч ва бахт, ишингизга зафар тилайман!**

**Эҳтиром билан**

**(имзо)».**

Мен «Ғолиблар»ни ва бебаҳо номани қаерга қўйишни билмас, йўқотиб қўйишдан беҳад қўрқар эдим. Энди эса яна ҳам кўз қорачиғидек сақлайман, мен учун азиз ва қимматли бу китоб ва хатни.

Рашидовдан ўзлаштирилган обод ва гулистонга айланган бепоён пахтазорлар, мевазорлар, гулзорлар, водийлар, обод Тошкент ва кўплаб шаҳар ва ноҳиялар, энг муҳим азиз ва ёқимли хотира қолди. Шароф Рашидов ўзининг яхши ишлари, чин маънодаги одамийлиги билан халқимиз қалбида ўзига буюк ҳайкал қўйиб кетди.

**Асрор АҲРОРҚУЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Фориш район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси муовини.**

## 5.

# Адолат, қадр тикланади

Ўрта мактабда ўқувчи эдим. Ўша даврларда биз қишлоқ болалари қайси синфда ўқишимиздан қатъи назар пахта йиғим-теримига сафарбар этилардик. Синфдошларимнинг, ота-онамнинг таъкидлашларича менда ғалати одат бор эди, аниқроғи китоб «жинниси» эдим.

У қандай китоб бўлмасин, дарҳол ҳамма нарсани йиғиштириб ўқишга тушиб кетардим. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Китобга шунчалик қизиқиб кетган эканманки, ҳатто мени кузатишаётганини ҳам сезмабман. Бир пайт кўзларимда ёш билан китобдан бош кўтарсам, атрофимда анчагина киши жимгина менга тикилишиб туришарди. Шундагина мен йўл ёқасидаги пахтазорда эканлигимни эсладим. Шоша-пиша ўрнимдан туриб, пахта теришга тутиндим. Шу пайт баланд бўйли, оқ-сариқдан келган, юзлари кулиб турган киши этагимдаги учта китобни олиб қарадида, дарҳол чўнтагидан ручка чиқариб дастхат ёзди ва ручкасини менга қолдирди. Шу менинг Шароф ота билан илк учрашувим эди.

Орадан йиллар ўтди. Бир гал тўсатдан мени Нарпай район партия комитетига чақириб қолишди. Ҳаммасининг юзида ташвиш, саросима. Умумий бўлим мудири Ботир Муқимов мендан хавотир ила:

— Сен Шароф Рашидовга нима деб шикоят қилувдинг? — Эртага соат 10 да қабулида бўлишинг шарт, «Октябрь» колхози партия қўмитасининг котиби Назрулла Омонов ва уруш фахрийси Мамасоли Эшқувватовлар билан тонгда обкомда бўласизлар. Сўнгра аэропортдан жўнайсан,— деди.

Мен эса ҳайрону лол қолдим. Район раҳбарлари, обком вакили мендан хавотирланиб сўрашарди. Улар наздида мен шикоятчи эдим. Аммо ҳеч ким сабабини билолмасди.

Ҳамманинг кўнглидаги ғашликни бобом раҳматлик тарқатдилар.

— Болаларим, қизларингдан хавотир олманглар, Шарофжон билан бирга ишлаганман, инсоний фазилатли киши. Қизингга берган ручканинг тақдирини аниқламоқчи бўлган, холос.

Бобом Худойберди Фармонов янглишмаган эдилар. 1981 йилнинг 2 сентябрини ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Илк бор Шароф ота билан самимий ўшанда суҳбатлашдик. Суҳбат сўнггида ходимлардан бирини чақириб:

— Қизим Мастурани Тошкент давлат дорилфунунига олиб борасиз. Журналистика факултетида ўқисин, — дедилар...

Шундан сўнг талабалик йилларим бошланди. Шароф ота қанчалик банд бўлмасинлар, албатта мени сўраб-суриштиришга, ёзган нарсаларимни ўқишга вақт топардилар. Шароф Рашидов билан суҳбатлашганимда мен унинг раҳбар эканлигини сезмасдим ҳам. 4-курсда ўқиётган эдим. Дорилфунунга академик С. Сирожиддинов ректор эдилар. Бир гал мени ҳузурига чақириб «Мастура баъзи бир япон ускуналарини олиш учун министрлик пул, маблағ ажратмаяпти, шуни Шароф ота орқали ундира олсак, талабаларга қулайлик яратиларди» дедилар...

Шароф Рашидов йўқ демадилар, балки йиллаб дорилфунун раҳбарларининг тинка мадорини қуритган расмиятбозликка бир зумда чек қўйди.

...Афсуски қисмат, жудолик қисмати яқинлашган экан. Бизнинг сўнгги суҳбатимиз, вафотидан бир ҳафта илгари бўлган эди.

...Афсуски, бу мураббий билан сўнгги учрашув экан.

...Ниҳоят адолат тикланяпти. Топталган қабр ва қадр ҳам. Энди «марказ»га қуллуқ қилмаймиз. Рашидовга отилган тошлар яна ўзларига қайтди. Шароф ота ҳаётдан кўз юмсалар-да, порлоқ хотираси ҳамиша халқ қалбида сақланиб қолаверади.

**М. ФАРМОНОВА.**

## 6.

• МУШТАРИЙ ТАКЛИФИ •

# РАЙОН ТАШКИЛ ЭТИЛСА

Шароф Рашидов буюк адиб, сиёсат, давлат арбоби, халқаро дипломатия арбоби эди. У жумҳуриятимизда 45 йил юксак лавозимларда ҳалол меҳнат қилди. Агар жаҳонда 210 дан ортиқ катта-кичик давлатлар бўлса, уларнинг кўпида бўлиб ўтган конгресс, анжуманларда делегация раҳбари сифатида иштирок этди, раислик қилди, нутқ сўзлади. Бир сўз билан айтганда халқаро дўстлик, ҳамкорлик, бирдамликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди, Ўзбекистонни, қолаверса бутун Ўрта Осиёни жаҳонга таниттди. Шунинг учун ҳам Ш. Рашидов жаҳон миқёсида танилган буюк сиймо ва жамоат арбоби даражасига кўтарилди.У Ўзбекистоннинг равнақига, Тошкент шаҳрини қайта қуришга кўп хизмат қилди.

Шу боис менинг ўз таклифларим бор. Чунончи мен Тожикистоннинг Турсунзода райони ўзбеклари номидан мурожаат қиламан. Кўнгли кенг, қалби кенг, чўли кенг Қашқадарё вилояти таркибида Шароф Рашидов номидаги район ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу вилоятда ўзбек халқининг отахони, Ш. Рашидовнинг устози Усмон Юсупов номидаги район ташкил этилган. Ш. Рашидов номида район ташкил қилинса, устозу-шогирдларнинг руҳи бирга бўлади.

Яна бир таклиф. Олий ўқув юртлари ва ўрта ўқув юртларининг талабалари, муаллимлари Ш. Рашидов асарларини 1992—1993 ўқув йилида ўқув дастурига киритилиши зарур, деб ҳисоблайдилар ва буни орзиқиб кутмоқдалар.

**Тўлаган ДУСТМУРОДОВ,**
**Тожикистон Республикасининг Турсунзода районидаги 47-мактаб директори.**

ТЎЙХАТ

# ШОГИРДЛАР ДАВРАСИДА

Фатҳиддин Насриддинович Насриддиновни ҳамиша шогирдлар даврасида учратамиз. У ўзининг билими, одоби, меҳнатсеварлиги билан ҳар биримизга ўрнак бўлиб келаётган устозлардан. У 1922 йили Тошкент шаҳрида дунёга келди Улуғ Ватан урушининг айни қизиган пайтларида Низомий номидаги давлат педагогика институтини битириб, ҳаётга йўлланма олди

Ярим асрдан кўпроқки Ф. Насриддинов меҳнат фаолиятини ёшларнинг таълим ва тарбиясига бағишлаб келаётир. Дастлаб у бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади, ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. 1940 — 1950 йилларда ўрта мактабларда ўзбек адабиёти бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фаол қатнашди. Бу муаммоларни ниҳоясига етказиш учун вақтли матбуот ва илмий конференцияларда иштирок этди.

Устознинг илмий фаолияти халқ таълимининг масъул лавозимларига йўллашга муносиб кўрилди. Мактаб директори, район халқ таълими бўлими мудири, республика Маориф вазирлиги мактаблар бошқармасининг бошлиғи ва ҳайъат аъзоси ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади. Устоз бу йилларда ўзининг етук мутахассис ва халқ таълимининг ташкилотчиси сифатида тилга тушди.

Ф. Насриддинов 29 ёшида Республика халқ маорифи аълочиси нишони билан тақдирланди. Шу билан бирга у «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Учительская газета» (Москва), «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар газетаси», «Комсомолец Узбекистана» газеталари ва «Совет мактаби» журналларида ўнлаб, юзлаб мақолалар эълон қилди, энг яхши тажрибаларни умумлаштирди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

1964 йили Тошкент давлат университетининг педагогика кафедрасида, кейинчалик саккиз йил мобайнида кечки ва сиртқи таълим бўйича проректор вазифасида ишлади. Юксак малакали мутахассислар етиштиришдаги хизматлари учун Ф. Насриддинов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

1976 йилдан буён устозимиз Ф. Насриддинов Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг педагогика ва психология кафедрасида доцент ва ҳозирги кунларда профессор ҳамда институтнинг илмий ишлари бўйича проректорлик вазифаларини адо этиб келаётир. Унинг ташкилотчилик қобилияти, жамоани илмий ишга, билим олишга йўллаш қобилияти, илмий-тадқиқот ишлари шундан дарак беради, деярли ҳар йили 2—3 монография, 3—4 илмий ишлар тўпламлари, 60—70 илмий услубий тавсияномалар, янги ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий ўқув адабиётлари нашр этилаётир. Бу институт профессор ўқитувчилар жамоаси томонидан тайёрланаётганлиги ҳам ғоят муҳимдир.

Устозимиз Ф. Насриддинов бир неча дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар ва 50 дан зиёд илмий ишларнинг муаллифидир. У институт жамоатчилик ишида ҳам фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон ССР Давлат спорт қўмитасининг илмий-услубий кенгашини 13 йил бошқарди. Бугунги кунда ана шу кенгашнинг ҳайъат аъзоси. 1988 йилдан Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси илмий-услубий кенгаши раиси, 1989 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меҳнат, жисмоний, эстетик тарбиялаш ва ўқитиш илмий-услубий бирлашмасининг раиси бўлиб ишлаётир.

Ф. Насриддинов 1983 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» фахрий унвони билан тақдирланган. Мана 53 йилдирки, у ёшларнинг таълим ва тарбияси учун ўз билим ва кучини ҳормай-толмай сарф этаётир.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти раҳбарияти, жамоатчилик ташкилотлари профессор Фатҳиддин Насриддинович Насриддиновнинг туғилган кунининг 70 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди. Унинг мустақил Ўзбекистон Республикасига жисмоний тарбия кадрлари етказишдаги фаолиятида улкан муваффақият ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.

**А. ҲАМРОҚУЛОВ,**
**институт ректори, профессор.**

**О. РАСУЛЕВ,**
**З. ҒАФФОРОВ,**
**доцентлар.**

# СПОРТ

### АНИҚ НИШОНЛАР

● **ТОШКЕНТДА мерганлик бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

Маълумки, моҳир мерган Рустам Ямбўлатов Москва олимпиадасида иштирок этиб, мухлислар эътиборини қозонган эди. Моҳир спортчи шу кунларда Барселона олимпиадасини кўзлаб, машқларга зўр бермоқда. Рустам хандақ нишонига отиш устаси ҳисобланади. У Ўзбекистон чемпионатида ҳам ўзини кўрсатиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Қолган икки совринли ўрин Олег Лаптев билан Сергей Целишчевга насиб этди.

### МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

● **АНГРЕНДА бокс бўйича республика чемпионати якунланди.**

Ринг баҳслари Ўзбекистонда иқтидорли боксчилар камол топаётганини кўрсатди. Мухлису мутахассислар қобилиятли ёшлар борлигидан мамнун бўлишди. Саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказган боксчилар ҳал қилувчи ўйинларга йўлланма олишди. Вазнларга кўра қуйидаги боксчилар Ўзбекистон чемпиони бўлдилар. Тошкентлик Х. Аҳмедов, Ф. Арслонов, М. Саркисов, Тошкент вилоятидан Э. Камолов, Б. Белосаров, Ф. Бакиров, А. Имомов, фарғоналик Р. Эралиев билан В. Горенков, самарқандлик Д. Ёрбеков билан Р. Панарин ва бухоролик О. Чайкинлар совриндор бўлишди.

### ҒАЛАБА НАШИДАСИ

● **МОСКВАДА велопойга бўйича МДҲ кубоги учун мусобақа ўтказилди.**

Уч километрга трек майдонида ўтказилган пойгада ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ўрнига қўйиш алоҳида аҳамият касб этди. Марра сари астойдил интилган ўзбекистонлик Зулфия Забирова дугоналари москвалик Светлана Самохвалова билан қозоғистонлик Ирина Комароваларни мамнун этди. Дугоналар масофага уч минут 34,820 секунд вақт сарфлаб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди.

### ТАКРОРИЙ ЎЙИНЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун футбол бўйича 1/16 финал учрашувларининг такрорий ўйинлари бўлиб ўтди.**

Иккита учрашув мобайнида муваффақият қозонган футбол жамоалари совриндорлик баҳсини давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Жумладан «Сўғдиёна», «Чирчиқ», «Шаҳрихончи», «Янгиер», «Навбаҳор», «Мароқанд», «Зарангар», «Косонсойчи», «Наврўз», «Шифокор», «Темирйўлчи», «Пахтакор» футболчилари нимчорак финалга йўлланма олдилар.

## • Табиат муҳофазаси «Ўзбекистон овози» назоратида •

● **Тошкентнинг донини еган чумчуқ Макатиллодан қайтиб келади, дейишган экан. Чиноз балиғи таъмини тотиб кўрганлар жумҳуриятимизга қайтиб келиш-келмаслигини аниқ айтолмайман-ку, аммо мазаси бир умр оғизларида қолиши турган гап. Шунинг учун ҳам унинг таърифу-тавсифи ҳамдўстлик мамлакатларининг кўпчилигига кенг тарқалган.**

# БАЛИҚФУРУШЛАР

БУНДАН фахрланиш керак эмасми, деб савол бериши мумкин кўпчилик. Албатта, ҳар қанча фахрлансак арзийди. Жаннатмакон диёримизнинг мисқоли олтинга тенг тупроғида етилган ширин-шакар меваси, полиз маҳсулотлари, сабзавотлари қаторида балиғининг донг таратиши қандай яхши! Лекин уни кўпайтириш ўрнига қирон келтирилса-чи? Бунга асло тоқат қилиб бўлмайди. Чунки ҳозир биз мақтаётган табиатнинг ноёб эҳсони маълум муддат ўтгач фақат ҳаёлот бўлиб қолиши мумкин.

Ана шунинг олдини олиш мақсадида рўзномамизда шу йил 12 мартда «Яхшиси балиқдан сўранг», деб номланган муаммоли мақола чоп этилганди. Унда катта ўзбек шоҳ йўлининг Яллама қишлоғи бошланадиган жойдан то Сирдарё вилоятидаги «Чеҳра» ресторанигача» бўлган масофада йўл бўйларида балиқфурушлар жуда кўпайиб кетганлиги ёзилган эди. Шунингдек, агар тегишли мутасадди ташкилотлар ўз вақтида чора кўрмаса, Сирдарё ҳавзасидаги ноёб балиқлар қирилиб кетиши мумкинлиги таъкидланганди.

Иттифоқо мақола босилиб чиққандан сўнг чамаси бир ойча ўтгач Сирдарё вилоятига боришга тўғри келиб қолди. Балиқлар уруғ ташлайдиган вақт бошланганлиги, яъни овлаш таъқиқланганига қарамай кўз ўнгимизда эски манзара намоён бўлди. Балиқфурушлар Чиноз бозорида ҳам, йўл бўйларида ҳам савдони авж олдиришган. Бели оғримаганнинг ион ейишини кўр, деганларидек дарёга тўр ташлаб тутилган неъматнинг ҳар килограмми 30 — 35 сўмдан пулланяпти.

Шу куннинг эртасига Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан телефонда боғланиб балиқларни ноқонуний овлаш ва уларни сотишда аҳвол ўзгармаганлиги ҳақида гаплашдик. Мулоқот пайтида рейд уюштириб, қонунбузар балиқфурушларни биргаликда аниқлашга келишдик.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узриба» концерни, жумҳурият Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси, Чиноз район ички ишлар бўлими ходимлари билан Чиноз бозорини айландик. Бозор одамлар билан гавжум. Дудланган балиқларни сотувчилар молларини пештахталарга ёйиб ташлаган. Балиқнинг истаган туридан бор.

Ичкарида пештахта усти ҳам, ости ҳам тирик балиқлар билан тўла.

— Каттароғидан йўқми? Жуда зарур эди. — сўрайман барваста мўйловли йигитдан.

— Ҳозлаганингиздан топишимиз мумкин-у, аммо ҳозир текширувчилар келишармиш... Каттаси нарироқда эди. Олиб келишга улгуролмайман.

— Текширувчилар келгунча балки улгурарсиз. Кўпам вақтингизни олмаймиз. Оберсангиз бўлди, тезда кетамиз.

— Буларники узоқроқда экан, мен ҳожатингизни чиқара қолай. Лекин унча катта эмас. 6-7 кило келадигани бор, — деди шу атрофда турган жингалак сочли йигитча.

— Майли зарур бўлганидан сўнг борига барака қиламизда. Қани кўрсат.

Йигитча чеккага олиб қўйилган «Жигули» машинаси олдига келиб, юкхона эшигини очди. Йирик-йирик балиқлар оғзиларини каппа-каппа очиб типирчилашарди.

Шу пайт милиция ходимлари келиб йигитчани ушлашди. Қолган балиқфурушлар худди арининг ини тўзигандек одамлар ичига ўзларини уриб ғойиб бўлишди.

Маълум бўлишича, улар ҳам анойи эмас эканлар. Балиқнинг асосий қисмини нарироққа беркитиб, бозорга озроқ келтиришаркан. Харидор кўпайса, истаганча етказиб беришади. Бирор хавф сезилгудек бўлса маҳсулотни йиғиштириб олишади, нари борса ташлаб кетиларади. Зарари кўп бўлмайди. Ҳаммаси тинчигач, ҳиссаси чиқиб кетади. Ахир бир килограмм тирик балиқ 30 — 35 сўм-да!

Машинадаги балиқларни санаб кўрганимизда уларнинг умумий сони — 57 та, ҳажми 72 килограмм чиқди. Балиқфуруш Чиноз районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг «Яллама» қишлоғида истиқомат қилувчи Анвар Йўлдошев экан. Эндигина йигирма ёшга тўлибди. Ундан балиқни қаердан олганлигини сўраганимизда, буларнинг ҳар донасини Қозоғистондаги Чордара сув омборидан 35 сўмдан сотиб олдим, деб айтди.

Аммо «Узриба» концерни мутахассиси Руҳулла Қурбонов бошқа фикрда.

— Аввало, — дейди у. — Чордара билан Чиноз бозори ўртасидаги масофа камида 60—65 километр келади. Бунинг устига уларни тутиш, бир жойга тўплаш, харидорга сотиш, қаловерса, бу ерга келтириш учун анчагина вақт кетади. Яъни балиқлар ўлади. Булар эса яқинда тутилганлиги шундоққина кўриниб турибди. Тангалари ялтирамоқда. Хулоса шуки, тунда ташланган тўрга илинган балиқлар эрталаб бозорга олиб чиқилган.

Эгалари қочиб ташлаб кетган 26 та балиқ 86 килограмм тош босди. Уларга қараб одамнинг раҳми келади. Айримларининг қорнидан сутдек оппоқ суюқлик чиқиб турибди. Яна бир неча соат қўйиб берилса, уларнинг ҳар бири юз минглаб уруғ ташлаши мукин. Демак, броконерларнинг бераҳмлиги, табиий бойликларни асрашга даъват этилганларнинг масъулиятсизлиги оқибатида келажакда ризқ-рўз бўлиши мумкин бўлган миллионлаб балиқлар қирилиб кетяпти.

Айрим кўпни кўрган қарияларнинг гувоҳлиги беришича, бундан юз йил олдин ҳам Чиноз бозорида тирик балиқ сотилган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келяпти. Балиқфурушлик ҳозирги иқтисодий танглик шароитида яна ҳам кучайди. Назоратнинг сустлиги туфайли дарёдаги бойликнинг қириб кетиши хавфи туғиляпти. Бунга йўл қўймасликни, табиатга, балиқ захираларига қирон келтирмаган ҳолда аҳолини тансиқ неъмат билан етарли таъминлашнинг иложи борми, деб берган саволимизга мутасадди ўртоқлар шундай жавоб беришди.

**Абдуқодир ЭРГАШЕВ — Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи муовини:**

— Аввало, ҳамма ерда назоратни кучайтириш керак. Бироқ биргина назорат органларининг кучи етмайди. Шунинг учун ҳам бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш даркор. Балиқ уруғ ташлайдиган пайтдан ташқари вақтларда уларни овлашга ҳар томонлама ишончли бўлган одамларга рухсат бериш даркор, деб ўйлайман.

Майли улар дарёлардан, кўллардан балиқ ушлаб сотишсин. Аммо, улар махсус рухсатнома-лицензия билангина фаолият кўрсатишсин. Бу ишдан балиқчиларнинг ўзлари ҳам, давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлади.

**Сайфиддин БУЗРУКХОНОВ — Ўзбекистан Ички ишлар вазирлиги иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги:**

— Қонунбузарларга қарши курашда уларга бериладиган жазо чораларини кучайтирмасдан самарага эришиш қийин. Ўзингиз ўйланг. 72 килограмм балиқ билан ушланган Анвар Йўлдошев агар ҳар бир килосини 30 сўмдан сотганда ҳам қариб 2200 сўм даромад кўрарди. Табиатга қанчадан-қанча зарар келтирган одам бор-йўғи икки юз сўм билан қутилди. Демак, энди у балиқфурушликни ташлайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳеч ким.

Кўпинча балиқфурушлик майда тартиббузарлик, деб баҳоланиб, тахминан юз сўм, кўпи билан уч юз сўм жарима солинади. Шунинг учун ҳам бугун қўлга тушган киши эртага яна эски ҳунарини давом эттиряпти.

Агар биринчи қўлга тушганга, масалан, беш минг сўм, қайта тушганга ўн минг сўм жарима солсак, ўйлайманки, балиқфурушлар кескин камаяди.

**Қудрат ПЎЛАТОВ — «Узриба» концерни раисининг муовини:**

— Балиқ маҳсулотлари халқимиз учун ҳамиша тансиқ таом бўлиб келган. Агар биз балиқ етиштиришни бошқа йўллар билан кўпайтирмас эканмиз маъмурий услублар билан масалани ҳал қилиб бўлмайди. Талаб кучли экан, турли йўлини топиб бозорга балиқ олиб чиқилаверади.

Шунинг учун ҳозир дарё, каналлар, анҳорлар, кўллар атрофидаги сунъий ҳовузларда балиқ етиштиришни истовчиларга кенг йўл очиш керак. Уларнинг фаолияти учун рухсат беришгина эмас, ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш лозим.

Сунъий ҳавзаларда балиқ етиштиришга бел боғлаганларни, яъни фермер хўжаликлари ёки ёрдамчи хўжаликларни концернимиз қўллаб-қувватлашга тайёр. Агар бизга мурожаат этишса озуқа, техника, бошқа зарур нарсаларни олишга кўмаклашамиз. Бироқ бизга боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳам бор. Масалан, Чиноздаги балиқлар даражасида йирик балиқ ўстириш учун камида беш-олти йил керак бўлади. Шу вақт мобайнида шахсий балиқчилик хўжалиги эгаси фақат ҳаражат қилади. Шунинг учун уларни камида шу вақт мобайнида солиқ тўлашдан озод қилиш даркор.

Балиқни етти хазинанинг бири, дейишади. Бу ишга қўл урган киши барака топмай қолмайди. Асосийси, маҳсулот кўпайиб, эл дастурхони тансиқ таомга сероб бўлади. Ана шунда Чиноздаги балиқфурушлик ҳам зора барҳам топса.

Кўриниб турибдики, балиқфурушлик, унга қарши кураш ҳозир долзарб муаммолардан бири. Муаммони ҳал этишнинг йўллари бор. Гап уни ҳаётга татбиқ этишда қолган. Агар бундан буён табиатнинг ноёб эҳсони қирилиб кетишига оғизда эмас, амалда жиддий кураш олиб боришни истасак, таклиф ва истакларни рўёбга чиқариш учун собитқадам иш олиб бориш керак. Бу — ҳаммамизнинг, ҳар биримизнинг авлодлар олдидаги бурчимиз.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

## • Луқма

# РАДИО ЎГАЙМИ?

Тўғриси, Ўзбекистон радиоси дастуридан эртагим ҳафтанинг қайси кунига киритилгани билан қизиқдим. Шу мақсадда рўзномалар сотиладиган дўкондан «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталигини сўрадим. Дўкондор «Туркистон ахборотлари»ни қўлимга тутқазди.

— Менга радио дастури керак эди.

— У йўқ!

Ахборотномани қайтиб бердим.

Ҳа, кейинги пайтда телекўрсатувлар дастурининг матни турли нашрларда турлича эълон қилина бошланди. Булар орасида, айниқса, махсус нашр — «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» — «Говорит и показывает Ташкент» билан «Туркистон ахборотлари» — «Туркистанские ведомости» нашрларидаги маълумотнинг фарқи кўзга яққол ташланади.

Гап шундаки, ҳарбий нашрларда ҳафталик радиоэшиттиришлар матни эълон қилинмайди. Пойтахт матбуот тарқатиш хизмати эса рўзномалар сотадиган дўконлар орқали телерадио дастурларини эмас, балки ҳарбий тижорат нашрларини тарқатиш билан шуғулланмоқда. Натижада икки миллионли Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида давлат радиоси эшиттиришларининг хафталик дастури тарқатилмаётир.

Нима, радио ўгаймі? Бундай ҳолга чек қўйишнинг пайти келди.

**М. ҚУРБОНОВ.**

## • Сизда қандай янгилик бор?

### ШАРҚ ГЎЗАЛИ

● **ҚАМАШИ районидаги «Коммунизм йўли» жамоа хўжалигида араб гиламни тўқиш кичик корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Зеро, ярим йил ичида тўқувчилар сони 50 нафарга етди.**

Дастгоҳларни колхоз дурадгорларининг ўзлари ясашади. Ҳозир 9 та дастгоҳ бор. Ў. Санаева, Ж. Омонова, Б. Шодмонова, Б. Жаббарова, Н. Азимова сингари чеварларнинг гулдор гилам тўқишга қўллари анча келиб қолди.

### ДЎСТОНА ЁРДАМ

● **МУСТАҚИЛ республикамизга Туркия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келаётган беғараз ёрдамдан қашқадарёликлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.**

40 тоннадан зиёд ун, 8 тонна гуруч, 63 тонна шакар, 23 тонна макарон, 3879 шиша кунгабоқар ёғи, 98 минг 685 банка қуюлтирилган сут, 480 жуфт болалар пойабзали, 272 дона болалар кийим-кечаги, 58 минг 250 дона бир марта ишлатиладиган шприц ва бошқа инъомлар биринчи навбатда болалар ва қариялар уйлари, касалхоналар, кўпболали ва камдаромадли оилалар, бевабечораларга тақсимлаб берилди.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мух. бири.**


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

# ЖАРЧИНОМАСИ

**ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ**

**кафедралар бўйича профессор—ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОЦЕНТЛАР: умумий кимё (2); аналитик кимё; физик ва коллоид кимё (2); органик кимё; биологик кимё; анатомия асослари билан биология ва физиология (2); фармакология; токсикологик кимё; тайёр дорилар технологияси; фармацевтик кимё (3); фармакогнозия; дори турлари технологияси (4).

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: лотин тили, инглиз тили.

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА АССИСТЕНТЛАР: рус тили, лотин тили, инглиз тили, фармакология.

**Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**

БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

**МАРҒИЛОН ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ РАҲБАРИЯТИ КОРХОНАГА ТАЪМИРЛАШ УЧУН ТОПШИРИЛГАН**

**УАЗ—452Д, УАЗ—469, ПДП АВТОМАШИНА ВА ДВИГАТЕЛЛАРИНИ 1992 ЙИЛ 10 МАЙГАЧА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШЛАРИНГИЗНИ СЎРАЙДИ. МАРҒИЛОН ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ**

**УАЗ—452А, УАЗ—452Д, УАЗ—469 АВТОМАШИНАЛАРИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРИНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ТАЪМИРЛАШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ, ҲАМДА УАЗ—452 ТИПИДАГИ БАРЧА АВТОМАШИНАЛАР БАЗАСИДА (ПДП) САЛОН ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ.**

**Манзилгоҳимиз: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ОХУНБОБОЕВ РАЙОНИ МАРҒИЛОН ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ.**

## «ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ

Станок балансировочный „eldis-1200„

**Енгил автомобиллар ғилдираклари мувозанатини ростлайдиган «ЭЛДИС — 1200» (балансировка) дастгоҳини ва автомобиллар махсус ускуналарини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади.**

**Тошкент шаҳридаги 34-25-81 телефони бўйича соат 9.00 дан 18.00 га қадар тегишли маълумот олишингиз мумкин**

ГНПК КОНВЕРСИЯ

**АГАР НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИНИНГ ҚИММАТЛАШУВИ СИЗНИ ЧУЧИТСА, СИЗ — БИЗНИНГ МИЖОЗИМИЗ ЭМАССИЗ!**

**Мамлакат экология бозорининг тан олинган пешқадам — «Конверсия» давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси Сизга:**

**Ишлатилган нефть маҳсулотлари ва эритувчилар (керосин, бензин, метинхлорид, уайт-спирт, фреон 645, 646, Р — 4, Р — 5 аралаш эритувчилар, метинхлорфом, ксилол, трихлорэтилен, ацетон нефрас, толуол, сольвент ва бошқалар)ни ишлаб чиқаришда қайта ишлатиш учун уларнинг тозаловчи ноёб ускуналарни таклиф этади. Ускуна икки-уч ойда ўз ҳаражатини қоплайди. Унинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 2 миллион сўмдир. 6-8 ойда ишлатиш учун тайёр қилиб берилади. Кафолат муддати — 1,5 йил.**

**Шартнома тузиш бўйича ёзма равишда қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 109072, Москва, Наб, Морис Торез 24-уй, 3-корпус, «Конверсия» давлат илмий ишлаб-чиқариш корхонаси.**

**Телефонлар: 231-37-06, 231-27-25.**



Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 88.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.